



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FARG'ONA VILOYATI HOKIMINING QARORI

2023 - yil «19» - yanvar

13-11-0-Q/23

Farg'ona viloyati hokimligi

Вилоятда ижара муносабатларини тартибга солиш ҳамда 2023 йилда давлат кўчмас мулклари учун қўлланиладиган ижара ҳақининг энг кам ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 102-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, молия ва Иқтисодий тарракиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлеклари томонидан 2022 йил 30 декабр куни ўзаро келишилган ҳолда тасдиқланган 2023 йил учун давлат кўчмас мулки обьектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига мувофиқ

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 102-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, молия ва Иқтисодий тарракиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлеклари томонидан 2022 йил 30 декабр куни ўзаро келишилган ҳолда тасдиқланган 2023 йил учун давлат кўчмас мулки обьектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкалари амалда фойдаланиш учун қабул қилинсин.

2. Фаолият турларига нисбатан давлат мулкидан фойдаланганлик учун белгиланган ижара ҳақининг энг кам ставкалари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш

марказининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси мазкур иловада кўрсатилган ягона энг кам миқдордаги ижара ставкаларидан ижара ҳақининг шартнома қийматини белгилашда таянч ставка сифатида фойдалансин.

3. Фарғона, Қўқон, Марғилон, Қувасой шаҳарлари, туманлар марказларида ҳамда туман марказларидан ташқари Фарғона тумани Шохимардон МФЙ ва Ёрдон МФЙлар, Риштон тумани Чўнғара МФЙларида давлат кўчмас мулкидан фойдалангандик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги «Давлат мулкини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 102-сонли қарорининг 3-1-бандига асосан давлат мулки бўлган бинолар ва хоналарда жойлашган бюджет ташкилотлари учун ижара тўловининг ноль ставкаси белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 256-моддасига мувофиқ, давлат мол-мулкини ижарага беришда тузиладиган ижара шартномаларида қўшилган қиймат солиғи ижарага берилаётган мол-мулкнинг солиқ ҳисобга олинсин.

Бунда қўшилган қиймат солиғи ижарага берилаётган мол-мулкнинг ҳисобланган ижара суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиб ижара шартномалари белгилангандирасин.

6. Давлат мулкини балансда сақловчиларнинг мансабдор шахслари хўжалик йили чорагида камида бир марта, ўзининг тасарруфида бўлган давлат мулкини хатловдан ўтказган ҳолда фойдаланилмаётган давлат мулки, шунингдек, ижарага берилаётган мол-мулкнинг “тикланиш қиймати” тўғрисидаги маълумотларни Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишини ташкил этиш марказининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасига ўз вақтида, тўлиқ ва ишончли тақдим этишлари учун шахсан жавобгар эканлиги белгилансин ва давлат мулкини ижара шартномаси тузмасдан ижарага бериш, ижара шартномасида ижарага берилган мулкнинг параметрлари ва сони атайлаб нотўғри қайд этилганлиги, бунинг натижаси ижара тўловининг яширилишига олиб келганлиги учун қонун ҳужжатларида тегишли жавобгарлик белгилангандиги ҳақида огоҳлантирилсин.

7. Бўш турган обьектлардан самарали фойдаланишини ташкил этиш

марказининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси (Эшонов) шаҳар ва туман ҳокимлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 августдаги “Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 672-сонли қарорига асосан шаҳар ва туманлар ҳокимларига фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (майдонларни) ижарага бериш бўйича берилган хуқуқлардан амалда фойдаланишини таъминласин.

8. Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси (Эшонов):

хатлов натижасида аниқланган фойдаланилмаётган, бўш турган давлат мулкини белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларига ижарага бериш ишларини жадаллаштирусин ва 2023 йил 1 январь кунидан ҳисобланиши инобатга олинсин;

ижарага берилган давлат мулки тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ҳар ой якуни билан вилоят ҳокимлигига, ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10 кунигача тегишли равишда вилоят Молия бошқармасига ва Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этиб борсин;

ижарага берилган давлат мулклари ҳисобидан ижара тўловларини ўз вақтида ундириш юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўришга ҳамда тўловларни ундирилишига маъсул эканлиги белгилаб кўйилсин.

9. Вилоят Молия бош бошқармаси (Рўзалиев) Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси (Эшонов) билан биргаликда давлат мулки объектларини ижарага бериш ҳисобига маҳаллий бюджетга тушадиган маблағларни назоратга олсин ҳамда тушган маблағлардан мақсадли фойдаланишини таъминласин.

10. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати (Джумабоев) ва “Янги Фарғона” ва “Новая Фергана” газеталари таҳририяти мазкур қарорни расмий эълон қиласин ҳамда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирусин.

11. Ушбу қарор расмий эълон қилинган қундан эътиборан кучга киради.

12. Мазкур қарорни қабул қилиниши муносабати билан вилоят

хокимининг 2022 йил 22 январдаги 27-11-0-Q/22-сонли қарори 2023 йил 1 январ кунидан ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят хокимининг биринчи ўринбосари А.Уринбоев зиммасига юклансин.

Вилоят хокими



Х.Бозаров

Farg'ona viloyat hokimining
2023 yil 19 yanvardagi
13-11-0-Q/23-son qaroriga
1-ilova

**Фарғона вилоятида жойлашган давлат қўчмас мулкидан фойдаланганлик учун 2023 йилда 1 кв.метр учун
кўлланиладиган ижара тўловининг энг кам ставкалари (иктисодий соҳалар ва тармоқлар бўйича)**

№	Ижарага бериладиган майдонлардан фойдаланиш мақсади	1 кв.м Фарғона шаҳар учун йиллик энг кам ижара ставкаси (ҚҚС билан бирга)	1 кв.м шаҳар ва туманлар учун йиллик энг кам ижара ставкаси (Фарғона шаҳардан ташқари) (ҚҚС билан бирга)
			Ишлаб чиқариш
1	Ёқилғи ишлаб чиқариш	11 900	8 700
2	Кимёвий ишлаб чиқариш (ўғит маҳсулотлари)	11 900	8 700
3	Нефт-кимё саноати	11 900	8 700
4	Машинасозлик ва асбобсозлик саноати	11 900	8 700
5	Хисоблаш техникаларини ишлаб чиқариш	11 900	8 700
6	Тракторсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги	9 700	7 200
7	Енгил ва озик-овқат саноати машинасозлиги ҳамда майший анжомлар саноати	11 900	7 200
8	Санитария ва газ ускуналари ва маҳсулотларини ишлаб чиқариш	11 900	8 700
9	Метал конструкциялар ва маҳсулотлар саноати	11 900	8 700
10	Машина ва ускуналарни таъмирлаш	11 900	8 700
11	Машинасозликнинг бошқа тармоқлари	11 900	8 700

12	Ичимликлар ишлаб чиқариш	11 900	8 700
13	Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	11 900	8 700
14	Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш	11 900	8 700
15	Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш	37 700	28 300

Қурилиш саноати

16	Курилиш, йўл ва коммунал муҳандислик	9 700	7 200
17	Дераза, эшиклар ва мебель ишлаб чиқариш саноати (ёғочдан)	35 900	26 600
18	Дераза, эшик ва мебеллар ишлаб чиқариш (пластик, алюмин ва МДФдан)	63 000	37 300
19	Лойиха, лойиха-қидирув ташкилотлари	11 900	8 700
20	Шлакоблок ишлаб чиқариш	11 600	8 700
21	Полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш	37 700	28 300
22	Бошқа қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш	26 700	20 050

Ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целялюзоза-қофоз саноати

23	Ёғоч маҳсулотларини тайёрлаш саноати	11 900	8 700
24	Ёғочни қайта ишлаш саноати	11 900	8 700
25	Целялюзоза-қофоз маҳсулотлари саноати	11 900	8 700

Енгил саноат

26	Тўқимачилик саноати	11 900	8 700
27	Тикувчилик саноати	11 900	8 700
28	Чарм, мўйна ва пойабзал маҳсулотлари саноати	11 900	8 700
29	Енгил саноатнинг бошқа ишлаб чиқариш турлари	11 900	8 700

Озиқ-овқат саноати				
30	Озиқ-овқат саноати (балиқ, гүшт, ёғ-пишлоқ ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан ташқари)	11 900	8 700	
31	Гүшт маҳсулотлари саноати	11 900	8 700	
32	Сут маҳсулотлари саноати	23 300	17 400	
33	Балиқ маҳсулотлари саноати	11 900	8 700	
34	Тегирмончилик саноати	11 900	8 700	
35	Комбикорм (омухта ем) саноати	9 700	7 200	
36	Қандолат маҳсулотларини ишлаб чиқариш	11 900	8 700	
37	Озиқ-овқат саноатининг бошқа тармоқлари	11 900	8 700	
Саноатнинг бошқа тармоқлари				
38	Тиббиёт саноати	11 900	8 700	
39	Полиграфия саноати	29 200	25 000	
40	Кийимларни ва газламалардан тайёрланган буюмларни кимёвий тозалаш, бўяш, ювиш ва матоларни қайта ишлаш	14 600	10 600	
Қишлоқ хўжалиги				
41	Ўсимликшунослик 1 гектар ер майдони учун	4 798 000	3 559 100	
42	Иссиқхона хўжалиги	9 000	8 000	
43	Чорвачилик ва паррандачилик	5 700	4 300	
44	Балиқчилик (шу жумладан сунъий майдон) 1 гектар учун	4 798 000	3 559 100	
45	Асаларичилик 1 гектар ер майдони учун	3 119 000	2 313 600	
46	Ветеринария хизматлари	11 900	8 700	
47	Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи бошқа ташкилотлар	11 900	8 700	

48	Ўрмон хўжалиги (шу жумладан боғлар) 1 гектар ер майдони учун	4 798 000	3 559 100
Транспорт ва алоқа			
49	Транспорт инфратузилмалари (автопарк, таксопарк, автомобиль тўхташ жойлари ва гараж)	11 900	8 700
50	Транспорт инфратузилмалари (жарима майдонлари)	3 000	2 400
51	Автомобилларни ювиш	38 500	25 100
52	Автомобилларга ёқилғи қўйиш (бензин, дизел)	38 500	32 400
53	Автомобилларга ёқилғи қўйиш (газ қўйиш шахобчалари)	46 800	35 100
54	Электромобилларни қувватлаш шаҳобчаси	20 400	15 300
55	Аҳоли буюртмасига асосан юк ташиш ва бошқа транспорт-экспедиция хизматлари	21 620	16 200
56	Почта алоқаси	11 900	8 700
57	Курьерлик алоқаси	24 000	17 700
58	Электр-симли алоқа	24 000	17 700
59	Радио, уяли алоқа ва пейджер алоқаси (иншоотларни хисобга олган ҳолда худуд доирасида)	100 800	74 800
Савдо ва умумий овқатланиш			
60	Улгуржи савдо	33 600	25 000
61	Маҳсулотларни (хизматларни) қисмлаб савдо фаолиятини амалга оширувчи улгуржи савдо бозорларидаги савдо дўконлари	86 300	63 900
62	Чакана савдо	33 600	25 000
63	Умумий овқатланиш	33 600	25 000
64	Ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш ва сотиш (фаст фуд)	52 600	36 100
65	Китоб дўконлари	4 700	3 600
66	Ломбардлар	43 400	32 200

Хизмат кўрсатиш				
67	Маданий-маиший мақсадлардаги ҳамда хўжалик буюмларини ижарага бериш жойлари	33 600	25 000	
68	Интернет ва компьютер тармоқлари орқали хизматлар кўрсатиш (нусха кўчириш хизмати)	33 600	25 000	
69	Компьютер ўйинларини ташкил этиш	50 400	37 500	
70	Кўчмас мулклар билан боғлик муносабатлар	33 600	25 000	
71	Реклама, кўргазмалар хизматлари	33 600	25 000	
72	Геология ва табиий бойликларни қидириш, геодезия ва гидрометеорология хизматлари	60 000	44 300	
73	Мехмонхона ҳўжалиги	38 400	28 400	
74	Умумий яшаш жойлари	29 900	21 700	
75	Майший хизматнинг ноишлаб чиқариш турлари	19 320	14 260	
76	Сартарошхона, фотосалон, модалар ательеси, пойабзалларни таъмирлаш устахонаси	28 900	21 700	
77	Ҳаммоллар	57 800	42 800	
78	Сауналар ва бассейнлар	115 200	85 500	
79	Пахта (илгари истеъмолда бўлган) ва жун тозалаш ҳамда титиш хизматлари	19 300	14 200	
Соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминот				
80	Соғлиқни сақлаш	24 000	17 700	
81	Тиббий диагностика хизмати (шу жумладан лаборатория)	44 200	33 200	
82	Сайёхлик ва дам олишни ташкил этиш	24 000	17 700	
83	Фитобар	16 600	12 300	
84	Маданий кўнгилочар марказлар (бильярд, ўйин автоматлари, дискотека ва бошқалар)	38 400	28 400	
85	Жисмоний тарбия ва спорт	11 900	8 700	

86	Дорихоналар	19 300	14 200
87	Оптика, тиббиёт анжомлари ва жиҳозлар савдо дўконлари	40 400	22 500
88	Ижтимоий-дорихоналар	17 100	11 500
Таълим			
89	Олий ва ўрта-максус таълими маълумотли кадрларни тайёрлаш	19 320	14 200
90	Ўкув курсларини ташкил этиш	39 600	29 700
91	Ишчилар ва хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш	15 065	11 615
92	Болалар умумтаълим мактаблари (нодавлат таълим муассасалари учун)	9 700	7 245
93	Олий ва ўрта максус таълим муассасаларида умумий овқатланиш	23 400	17 500
94	Умумий ўрта таълим мактабларида умумий овқатланиш	11 900	8 700
95	Мактабгача тарбия муассасалари (нодавлат таълим муассасалари учун)	8 500	6 600
96	Маданият ва санъат	33 600	25 000
97	Кўргазмалар	25 900	20 100
98	Маданият ва дам олиш боғлари	24 000	17 700
99	Ботаника боғлари ва зоопарклар	24 000	17 700
100	Телевидениялар ва радиоэшиттиришлар редакциялари	24 000	17 700
101	Киностудиялар, овоз ёзиш студиялари	38 400	28 405
102	Фан ва илмий хизматлар кўрсатиш	14 600	10 600
103	Автомактаблар	21 300	12 600
Молия-кредит фаолияти			
104	Молия, кредит ва пенсия таъминоти (сугурталаш ва аудиторлик фаолиятидан ташқари)	33 600	25 000

105	Аудиторлик фаолияти	33 600	23 400
106	Маркетинг тадқиқотлари, тижорат, молия ва бошқарув фаолиятлари бўйича маслаҳатхоналар	33 600	25 000
107	Банк фаолияти	33 600	25 000

Фаолиятнинг бошқа турлари

108	Суғурта ва нотариал хизматлар	33 600	25 000
109	Суд ва юридик хизмат муассасалари	28 900	21 700
110	Адвокатлар коллегияси ва юридик маслаҳатхоналар	28 900	21 700
111	Жамоатчилик бирлашмалари	9 700	7 000
112	Омборхоналар	33 600	25 000
113	Давлат ташкилотларига офис	14 600	10 600
114	Хусусий ташкилотларга офис	52 600	39 100
115	Архив хизмати	14 600	8 900
116	Тахририят ва нашриётлар	19 300	14 200
117	Металлолом ва иккиламчи қоғоз (латта) маҳсулотларини тўплаш жойлари	19 300	14 200
118	Турар жой-коммунал хўжаликлари	19 300	14 200
119	Енгил автомашиналар ва бошқа турдаги транспорт воситаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш	38 400	28 400
120	Вулканизация, пайвандлаш, чилангарлик ишларининг барча турлари	29 200	21 900
121	Лабораториялар	24 000	17 700
122	Турли хизмат турлари тўловлари (пайнет)	96 400	71 400
123	Маданий мерос объектлар бино ва иншоотларида жойлашган савдо дўконлари	52 600	39 100
124	Маданий мерос объектлари бино ва иншоотларида жойлашган умумий овқатланиш шохобчалари	46 100	34 200

125	Хунармандчилик турлари бўйича (ёдгорлик мажмуалари ясаш, мисгарлик, ўймакорлик, рассомчилик, дўппидўзлик, телпак, чўгирига, чопон ва х.к)	28 400	21 300
126	Авия кассалар (шу жумладан темир йўл, автотранспорт ва бошқалар)	52 600	39 100
127	Банкоматлар	480 800	356 600
128	Нон-булка маҳсулотлари ишлаб чиқариш	33 600	21 700

Изоҳ:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йигилиш баёнининг (30.06.2009й. №7/10-41) 11-бандига мувофиқ, Қишлоқ врачлик пунктлари хузурида фаолият юритаётган мулкчилик шаклидан қатий назар дорихона муассасаларига давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "нол" ставкаси қўлланилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.11.2012 йилдаги №02/1-74-сон топшириғига асосан ёпиқ ҳарбий шаҳарчалар, ҳарбий қисмлар ва муассасалар худудида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг савдо бошқармаси таркибий бўлинмалари учун кўчмас давлат мулкидан фойдаланганлик учун ижара хаққининг "нол" ставкаси қўлланилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.07.2014 йилдаги 02/107-2670-сон топшириғига асосан 2014 йилнинг 1 августидан бошлаб "Тадбиркорлик ва ишбилармонлик харакати" Ўзбекистон Либерал Демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Навоий, Фарғона, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри (шу жумладан Миробод тумани) Кенгашлари, шунингдек, "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти учун Ўзбекистон Либерал Демократик Партияси балансидаги тегишли давлат мулки объектларидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг "нол" ставкаси белгиланган.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.09.2017 йилдаги "Навоий вилоятининг Томди, Учқудук, Конимех, Нурова туманлари ва Зарафшон шаҳрини комплекс ривожлантириш ҳамда аҳолси бандлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3301-сон қарорига асосан, 2017 йилнинг 1 октябридан бошлаб Навоий вилоятининг Томди, Учқудук, Конимех, Нурова туманлари ва Зарафшон шаҳрида жойлашган фойдаланилмасдан бўш турган давлат мулки объектлари тадбиркорлик субъектларига янги иш ўринларини яратиш шарти билан 10 йиллик муддатга ижара тўловининг "нол" ставкаси асосида ижарага берилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.10.2017 йилдаги "Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги 834-сон қарори мувофиқ, давлат мулки, шу жумладан эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари худудида жойлашган давлат мулки объектлари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи аъзоси бўлган ёш тадбиркорларга Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг шаҳар ва туман кенгашлари тавсияномасига асосан 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга ижара тўловининг "нол" ставкаси асосида берилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.08.2017 йилдаги "Фарғона вилоятида жойлашган ишламай турган ва кам қувватли корхоналар фаолиятини тиклаш, шунингдек давлат мулки обьектларидан самарали фойдаланиши чора-тадбирлари тўғрисида"ги 672-сон қарорига асосан Фарғона вилоятининг туман (шаҳар)лари ҳокимларига «Давлат мулкини ижарага бериш марказлари» ДУК билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун республика давлат бошқарув органларига бириктириб берилган туман (шаҳар) худудида жойлашган фойдаланимайтган давлат мулки обьектларини (майдонларни), тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг мурожаатидан сўнг икки ой муддатда балансда сакловчилар томонидан уларни ижарага бериш таъминланмаган тақдирда, истисно тариқасида, бир йилгача бўлган муддатга ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳукуки берилсин, бунда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда балансда сакловчиларга ажратмалар тегишли туман (шаҳар) бюджетига йўналтирилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.08.2017 йилдаги 14/1-1959-сонли топшириғига асосан 2018 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг тавсиясига асосан Олимпия ўйинлари ғолиблари ва совриндорларига хусусий спорт муассасаларини ташкил этиш учун давлат мулки, шу жумладан аҳоли кам жойлашган худудлардаги ёр майдонлари ижара тўловининг "нол" ставкаси асосида ажратилади.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.08.2018 йилдаги 609-20-сонли топшириғига асосан, келгусида Мудофаа вазирлиги томонидан вазирлик тизимидағи ўз фаолиятини иқтисодий мустақиллик, ўзини ўзи таъминлаш ва молиялаштириш тамойиллари асосида амалга оширадиган давлат унитар корхоналарига, шунингдек вазирликнинг бошқа таркибий бўлинмаларига биноларни, иншоотларни, жойларни, асбоб-укуналарни, мебалларни ва бошқа мол-мулкни ижара шартномаси асосида вақтинчалик фойдаланишга беришда бинолардан, иншоотлардан, жойлардан, асбоб-укуналардан, мебаллардан ва бошқа мол-мулкдан фойдаланганлик учун ижара тўловининг нол ставка белгиланади.

- Олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари ва умумий ўрта таълим мактаблар худуди (ичкариси)да жойлашган обьектларни (балансида сакловчи ва ижарага олувчиларнинг ходимлари ва/ёки таълим олувчилар учун хизмат кўрсатадиган ошхона, савдо, майший хизмат кўрсатиш ва бошқа фаолиятлар бўйича) ижара хаки ҳисоблашда ёзги таътил даври учун олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида 2 (икки) ой ва умумий ўрта таълим мактаблари 3 (уч) ой муддатга ижара тўловлари чегириб берилади. Ижарага олувчи ташаббуси билан ижара хаки ҳисоблананиши мумкин.

Farg‘ona viloyat hokimining
2023 yil 19 yanvardagi
13-11-0-Q/23-son qaroriga
2-ilova

Давлат қўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларига қўлланиладиган оширувчи коэффициентлар

т/р	Ижара объектларининг жойлашган ўрни ва турлари бўйича	Кўлланиладиган коэффициентлар			
		Фарғона, Кўқон, Марғилон шаҳарлар худудлари бўйича	Туманлар марказлари ҳамда Кувасой шаҳар бўйича	Туманлар худудлари бўйича (туман марказларидан ташқари)	Фарғона тумани Шохимардон МФЙ ва Ёрдон МФЙ, Риштон тумани Чўнгара МФЙ
1.	Ижара обьектининг худудий зоналари бўйича коэффициенти (Кз)	2,5	2	1,5	1,3
1.1.	Радио, уяли ва пейджинг алоқа антенналари ўрнатиш учун*	1,8			

2.	Ижара объектиning қурилиш тuri бўйича коэффициент (K_к)	-	-	-	-
	Жумладан:				
	-алоҳида турадиган бинолар учун	2	1,5	1,5	1,3
	-қўшимча қурилган бинолар учун	1,5	1,4	1,4	1,2
	-чердак қисми учун	0,4	0,4	0,4	0,3
	-болаҳона қисми учун	0,5	0,5	0,5	0,4
	-ярим ертўла ва алоҳида ертўла қисми учун	0,5	0,5	0,5	0,4
	-том қисми	0,5	0,5	0,5	0,4
2.1.	Радио, уяли ва пейджинг алоқа антенналари ўрнатиш учун*	-	-	-	-
	Жумладан:				
	-хона учун	1			
	-бино том қисми учун	0,4			
3.	Туташ ҳудуддан фойдаланиш коэффициенти (техник майдон, дехқончилик мақсадида ва хаказо) (K_х)	1	0,8	0,8	0,7
3.1.	Радио, уяли ва пейджинг алоқа техник қурилмалар жойлаштирилган майдон*	1,1			
4.	Ижара объектидан тижорат мақсадларида фойдаланишда қулийлик коэффициенти (K_о) (асосий автотранспорт йўллари бўйлаб жойлашиш, иккинчи даражали автотранспорт йўлларига чиқишида жойлашиш ва бошқалар).	2	1,5	1,5	1,3
4.1.	(K_о) Радио, уяли ва пейджинг алоқа антенналари ўрнатиш том қисми учун*	0,3			
4.2.	(K_о) Радио, уяли ва пейджинг алоқа антенналари ўрнатиш хона ва технологик майдон учун*	1			

* Радио, уяли ва пейджинг алоқа антенна ва бошқа техник қурилмалар учун ижара тўловининг таянч ставкаси миқдори антенна ёки бошқа техник қурилмаларни тортқич қозиқлари эгаллаган умумий майдон бўйича ҳисобланади.

Бинолар ва иншоотлар бўйича ижара тўловини (ижара тўловининг таянч ставкаси) ҳисоблаб чиқиш қуидаги тарзда аниқланади:

$$Tc = Es * Kz * (Kk + Kx + Ko)$$

Бунда:

Tc -бир йилга бир кв.м. учун ижара тўловининг таянч ставкаси: Es -бир йилга бир кв.м. учун энг кам ижара ставкаси.